*ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ*

# РЕЗЕРВЛАР—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

## ОЛМАЛИҚ

Олмалиқ шаҳар партия ташкилоти ўзининг навбатдаги XXII конференциясига КПСС XXVI съезди ва партия Марказий Комитетининг ундан кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини амалга ошириш бўйича бой тажриба тўплаган ҳолда келди. Бошланғич партия ташкилотлари, барча меҳнат коллективлари куч-ғайратини давлат планлари, зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишига, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга сафарбар этди. Шу муҳим вазифаларнинг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Конференцияда ҳисобот доклади қилган шаҳар партия комитетининг биринчи секретари М. М. Орифжонов ва музокараларда қатнашган нотиқлар бу масалалар шаҳар партия комитетининг пленумларида, партия-хўжалик активи йиғилишларида, шаҳар партия комитети бюроси мажлисларида, бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида муттасил муҳокама қилиб турилиши яхши самара берганлигини таъкидладилар.

Ҳисобот даврида пландагидан ташқари 25 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда катта ижобий ўзгаришлар юз берди. Бу муҳим соҳа бўйича белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича кўрилган чоралар туфайли шундай буюмлар ишлаб чиқариш 34 миллион сўмга кўпайди. Маҳсулот сифатини яхшилашда ҳам дуруст ютуқлар қўлга киритилди. Шу йилнинг ўтган ўн ойида олий сифат категориясидаги буюмлар барча саноат маҳсулотининг 29 процентини ташкил этди. Бу 1980 йилдагига нисбатан анча кўпдир.

Шаҳар саноати ходимлари партия конференциясини муносиб кутиб олиш учун ўзаро мусобақани авж олдириб ишлаганлари натижасида ҳисобот даврида пландагидан ташқари 92 минг тонна минерал ўғитлари, 31 минг тонна олтингугурт кислотаси, 120 минг квадрат метр гилам буюмлари, 1 миллион 680 минг сўмлик мебель, 184 минг сўмлик тикувчилик буюмлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шу давр мобайнида қурилиш материаллари, озиқ-овқат ва мебель саноати жадал суръатлар билан ривожланди. Кон саноати, металлургия, минерал ўғитлари ишлаб чиқариш ҳам анча тараққий этди.

Саноат корхоналари ва қурилишларда техника тараққиётини жадаллаштиришга, фан билан ишлаб чиқаришнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган ишлар амалга оширилди. Фақат янги техникани жорий қилиш бўйича 400 га яқин тадбир кўрилди. Бу шаҳар бўйича 28 миллион сўмлик иқтисодий самара берди.

Нотиқларнинг сўзларида шаҳарни социал-иқтисодий ривожлантириш программасини амалга оширишда эришилган ютуқлар қатори кўпгина камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги таъкидланди, бу нуқсонларни бартараф этишга қаратилган фикр ва мулоҳазалар, таклифлар ўртага ташланди.

Ўн биринчи беш йиллик бошидан бери қатор корхоналар маҳсулотни реализация қилиш планини бажармади. 6-ғишт заводлари бошқармаси, темир-бетон конструкциялари заводи ва бошқалар шулар жумласидандир. Рўзғор химияси заводи эса бу йил қониқарсиз ишламоқда. Давлат планларини сурунғасига бажармаяпти. Металл конструкциялари тажриба-экспериментал заводи ўтган хўжалик йилида топшириқни уддаламади.

Айрим корхоналарда ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари 1980 йилга нисбатан ҳам камайиб кетди. Олмалиқ кон-металлургия комбинати, темир-бетон конструкциялари заводида шундай аҳвол содир бўлмоқда. Конференция делегатлари таъкидлаб ўтганидек, бундай нуқсонларнинг асосий сабаби шу корхоналар партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарларининг ишлаб чиқаришни планлаштириш масаласида пала-партишликка йўл қўяётганлигидадир.

Айрим корхоналар реконструкциясини суст олиб бориш ишлаб чиқаришнинг техник жиҳатдан кўнгилдагидек ускуналанмаганлиги, материаллар ва хом ашё таъминотидаги узилишлар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг муҳим масалаларни ҳал қилишдаги сусткашлиги, мавжуд ички резервлар, меҳнат ва ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик ҳам ана шундай камчиликларнинг содир бўлишига олиб келмоқда. Айрим корхоналар ва ташкилотларда меҳнат ва технология интизомининг бузилиши бартараф этилмаяпти.

Конференция қатнашчилари саноатда меҳнат унумдорлигининг суст ўсаётганлиги катта ташвиш туғдираётганлигини алоҳида уқтирдилар. Ҳисобот даврида меҳнат унумдорлиги деярли ўсмади. Кўпгина корхоналарда эса камайиб кетди. Айниқса, кон-металлургия комбинати бу муҳим кўрсаткичда оқсамоқда. Химия заводида эса маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга асосан ишчи кучини жалб қилиш билан эришилмоқда.

Конференцияда капитал қурилиши шаҳар экономикасининг қолоқ участкаси бўлиб қолаётганлиги ҳақида ташвишланиб гапирдилар. Шаҳар бўйича қурилиш-монтаж ишлари, капитал маблағ ўзлаштириш, асосий фондлар, уй-жойлар, социал-маданий-маиший объектларни фойдаланишга топшириш планлари бажарилмаяпти. Беш йиллик бошидан бери эса пландагига нисбатан 24 миллион сўмликдан кўпроқ маблағ кам ўзлаштирилди. 5 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилмади. Уй-жой қурилиши ҳам орқада қолмоқда.

Доклад юзасидан музокараларда қатнашган «Алмаликградострой» трести уйсозлик комбинати мастери М. Аҳмедов, химия заводи директори М. Мирҳожиев, Олмалиқ геология-қидирув экспедицияси бошлиғи Н. Ф. Епишин, мис саралаш фабрикаси партия комитети секретари В. Э. Калиниченко, мебель комбинати ишчиси, партгруппорг В. Н. Новикова, Олмалиқ кон-металлургия комбинати партия комитети секретари Ж. М. Мирзалиев ва бошқалар шаҳар партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада яхшилаш, ишлаб чиқаришга партиявий раҳбарликни такомиллаштириш, идеология ишлари самарадорлигини ошириш, ички резервлар ва имкониятлардан фойдаланишни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган қатор масалалар устида тўхталдилар.

Конференция делегатлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотини бир овоздан маъқуллаб, тўла қўллаб-қувватладилар.

Конференцияда халқ депутатлари Тошкент область Советн ижроия комитетининг раиси Т. А. Алимов нутқ сўзлади.

Конференцияда тегишли қарор қабул қилинди, шаҳар партия комитети, шаҳар партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари ва Тошкент область партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Олмалиқ шаҳар партия комитетининг бўлиб ўтган ташкилий пленумида **М. М. Орифжонов** — шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, **Н. Г. Носков** — шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари, **Н. А. Калимулина** — шаҳар партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

**М. МИРҲАМИДОВ.**

# *СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК—БОШ ЙЎЛ*

## АНГРЕН

Ўн биринчи беш йиллик мобайнида шаҳарда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,5 процент ўсди. Планга қўшимча 29,8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шаҳар саноатининг етакчи тармоғи — кўмир қазиб чиқаришда бир мунча муваффақиятларга эришилди. Шаҳарнинг кўмир корхоналарида ёқилғи қазиб олиш 15,9 миллион тоннадан 17,4 миллион тоннага етди, пландагига қўшимча 110 минг тонна кўмир тайёрланди. Бу ўсишга асосан меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилганлиги диққатга сазовордир.

Шаҳардаги йирик корхоналардан бири — «СССР 60 йиллиги» номли резинотехника заводи қуввати йил сайин ошиб бормоқда. Бу корхона маъмурияти ҳамда партия ташкилоти маҳсулот сифатини ошириш ва ассортиментини кенгайтириш бўйича катта ишлар қиляпти. Корхонада бригада пудратини жорий этиш ҳисобига меҳнат унумдорлиги 20 процентдан 50 процентга ортди. Бу илғор усулда ишлаётган вулканизаторчи И. Исоқов бошлиқ бригада коллективи ҳозир 1985 йилнинг февраль ойи ҳисобига маҳсулот тайёрлаяпти.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ, қатор корхоналарнинг раҳбарлари меҳнатнинг бу илғор усулига етарли эътибор беришмаяпти. «Подземгаз» станцияси, 4-темир-бетон буюмлари заводи, тикувчилик фабрикаси, 9-шахта, нон заводи, қурилиш материаллари комбинати шулар жумласидандир.

Резинотехника, «Ангрен» разрези, «Узбекшахтострой» трести коллективлари тежамкорлик соҳасида яхши ишларни амалга оширяптилар. Шу билан бирга корхоналарда маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича ҳали анча иш қилиниши керак. Шаҳар бўйича ишлаб чиқарилаётган умумий маҳсулот ҳажмида олий сифат категорияли буюмлар миқдори кам — атиги 3,7 процентни ташкил этади. Керамика комбинати, тикувчилик фабрикаси, қурилиш материаллари комбинати, 4-темир-бетон буюмлари заводида ҳам маҳсулот сифатини ошириш керак.

— Бунга фақат ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаш ва автоматлаштириш даражасининг пастлиги эмас, балки КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленумида таъкидланганидек, технология интизоми, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми даражасининг пастлиги ҳам сабаб бўляпти, — деди Ангрен шаҳар партия конференциясида ҳисобот доклади қилган шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ш. З. Камолхўжаев. Камчиликларни бартараф этиш учун ўн биринчи беш йилликнинг қолган икки йилида резерв ва имкониятларни қатъият билан ишга солиш керак.

Шаҳарда қурилиш ишлари кенг миқёсда давом этяпти. Ҳурмат Белгиси орденли «Узбекшахтострой» трести, 3- ва 15-кўчма механизациялашган колонналар, разрез қурилиш бошқармаси бунёдкорлари фақат Ангреннинггина эмас, балки областнинг халқ хўжалиги ривожига муносиб ҳисса қўшяптилар. Улар Олмалиқда уйсозлик комбинати ва олтингугурт кислотаси цехини, Оҳангарон сув омборини қурдилар, Бекободдаги 300-прокат стани қурилишида актив иштирок этяптилар. Ҳисобот даврида ангренлик қурувчилар 149 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишди. Бу ўтган беш йилликнинг шу давридагига нисбатан бир ярим баравар кўпдир. Улар 175,7 минг квадрат метр турар-жой бунёд этишди, шундан 2,9 минг квадрат метри планга қўшимчадир.

Айни пайтда, капитал қурилишда қатор камчиликлар ҳам мавжуд. Шаҳар бўйича ўтган уч йилда 5,8 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилмади, 9,4 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари пландагидан кам бажарилди. Бош пудратчи «Узбекшахтострой» трести ёрдамчи пудратчи ташкилотлар ишини етарли даражада йўналтира олмаяпти, қурилиш техникаси самарали ишлатилмаяпти, қурилиш материалларига хўжасизларча муносабатда бўлинаяпти. Айниқса, Янги Ангрен ГРЭСи қурилишида қолоқликка кўп йўл қўйилаяпти. Бу объектда 2 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари кам бажарилди.

Шаҳар автомобиль транспортида ҳам қатор камчиликлар мавжуд. 5-автокорхона шу йилнинг ўтган даврида асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар планини бажармади. 72-автокорхона мўътадил ишламаяпти. Улар «Ангрен» разрезини очишда юк ташиш планини бажармадилар.

Шаҳарнинг қишлоқ районларига оталиқ ёрдами йил сайин кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Ангренликлар оталиқдаги Бўка ва Оҳангарон районларининг меҳнаткашларига қишлоқ хўжалик ишларида яқиндан кўмаклашмоқдалар. Хусусан, бу йилги пахта терими мавсумида Бўка районида 17 минг ҳашарчи меҳнат қиляпти. Улар ҳозиргача 12 минг тонна «оқ олтин» териб бердилар.

СССР Озиқ-овқат программасини бажаришда ёрдамчи хўжаликларнинг муносиб ҳиссаси бўлиши КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумида алоҳида таъкидланди. Шаҳарда кейинги уч йилда ёрдамчи хўжаликлар сони уч баравар ортди ва ҳозир турли корхона ва ташкилотлар ҳузурида 60 та ёрдамчи хўжалик мавжуд.

Ҳисобот даврида пропагандистлар активлиги ошди. «Ангрен» разрезининг бош технологи В. Скрильникова, 9-шахта геологи И. Тюрик, резинотехника заводи энергетиги Р. Низомов, мактаб ўқитувчиси Х. Абдуллаева каби ўнлаб пропагандистлар партиянинг жонли сўзини оммага етказишда сидқидилдан меҳнат қилишяпти. Шаҳар партия комитети ҳузуридаги сиёсий маориф кабинети шаҳар ва районлар сиёсий маориф кабинетларининг IV-республика кўрик-конкурсида ғолиб чиқиб, биринчи даражали Диплом билан тақдирланди. Иқтисодий ўқув системасида ҳар йили 12 минг ишчи таълим оляпти.

Доклад юзасидан музокарада сўзга чиққан 9-шахта партия комитетининг секретари В. Сапунцова, резинотехника заводининг директори И. Искандаров, «Узбекшахтострой» трести бригадири Ю. Смолин, 7-автобаза ҳайдовчиси О. Жамолов, шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари А. Йўлдошев, Янги Ангрен ГРЭСи қурилиш бошқармасининг бошлиғи И. Шигильчева ва бошқалар ўз коллективларидаги ютуқ ва камчиликлар, уларни бартараф этиш йўллари тўғрисида гапирдилар.

Конференцияда Тошкент область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири. О. З. Зуфаров нутқ сўзлади.

Конференцияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Район партия комитети, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари, Тошкент область партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Ангрен шаҳар партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленумда **Ш. З. Камолхўжаев**—шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, **В. В. Березовский**—шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари, **Л. Х. Басидова**—шаҳар партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

**Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,**
**А. МИРАЛИМОВ.**

# ПАРТИЯВИЙ ТАЪСИРНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

## ЧИРЧИҚ

Ҳисобот даврида Чирчиқ шаҳар партия комитети ўз иш услуби ва методини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берди. Жойларда янгидан 6 та бошланғич, 13 та цех партия ташкилотлари, 15 та партия группаси тузилди. Эндиликда халқ хўжалигининг барча тармоқларида партия ташкилотлари муваффақиятли иш олиб бормоқдалар.

Шаҳар партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари ҳисобот даврида халқ хўжалигини ривожлантириш, экономикани мустаҳкамлаш, оммавий-сиёсий ишларни такомиллаштириш юзасидан муҳим тадбирларни амалга оширдилар. Натижада ўтган уч йил давомида маҳсулот ишлаб чиқариш суръати 24,5 процентга ошди. Истеъмолчиларга 1,8 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Ўсишнинг 87 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Беш йиллик бошидан бери планга қўшимча равишда 12 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

— Технологияни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш қувватларидан яна ҳам тўлароқ фойдаланиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш туфайли ана шундай ютуқлар қўлга киритилди, — деди конференцияда ҳисобот доклади қилган шаҳар партия комитетининг биринчи секретари П. А. Юсупов. — Иш самарадорлиги ва сифатини ошириш бўйича шаҳар партия комитети ҳузурида тузилган комиссия бизга катта ёрдам берди. Комиссия тавсияларига амал қилиб, капролактам ишлаб чиқаришни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 25 процент кўпайтирдик.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича кўрилган тадбирлар туфайли 200 миллион сўмлик фойда олинди. 13 миллион сўмликдан кўпроқ иқтисодий самара берадиган ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилди, 11 та поток ва механизациялашган линиялар монтаж қилинди. «Узбекхиммаш» заводида станоклари программа билан бошқариладиган участка тузилди. Шаҳар рационализатор ва ихтирочиларидан тушган 5,5 мингдан ортиқ таклифнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлари 10 миллион сўмлик самара берди.

Иш самарадорлиги ва сифатини оширишда олимлар саноатчиларга катта ёрдам бермоқдалар. Ҳисобот даврида фан билан ишлаб чиқариш алоқаси яна ҳам мустаҳкамланди. Ишлаб чиқаришга салкам 200 та илмий иш жорий қилиниб, 45 миллион сўмликдан кўпроқ фойда олинди.

Корхоналарда беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин адо этиш учун бошланган мусобақага бошланғич партия ташкилотлари моҳирлик билан раҳбарлик қилмоқдалар. Ҳозирги кунда мусобақада барча меҳнаткашларнинг 93 процентдан кўпроғи актив иштирок этмоқда. 155 ишчи бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажаришга аҳд қилган. Шу кунгача 83 ишчи беш йиллик топшириғини бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Олти ишчи эса 1987 йил ҳисобига маҳсулот топширмоқда. 2 мингдан ортиқ ишчи конференция арафасида йиллик планни бажарди.

Докладчи ҳам, музокарада сўзга чиққан «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари А. И. Аникин, 160-қурилиш тресты партия комитетининг секретари Н. И. Тонких, Ўзбекистон иссиққа чидамли ва қаттиқ қотишмали металлар комбинати директори, КПСС XXVI съезди делегати П. С. Мақсудов ва бошқа делегатлар ҳам ҳисобот даврида эришилган ютуқларни қайд этган ҳолда конференция қатнашчилари эътиборини кўпроқ бажарилмаган вазифаларга, ишга солиниши лозим бўлган резервларга қаратдилар.

Шаҳардаги кўпгина корхоналар шартнома бўйича маҳсулотларни ўз вақтида етказиб бермаяптилар. Ҳисобот даврида шартномадагидан 75,5 миллион сўмлик маҳсулот кам тайёрланди. Ишчилар ўртасида турлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни ўз вақтида буюртмачиларга етказиб беришнинг аҳамияти етарлича тушунтирилмаётганлиги натижасида шундай ҳоллар содир бўляпти. Меҳнат интизомининг бузилиб турилиши ҳам белгиланган вазифаларни бажаришга тўсқинлик қилмоқда. «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узбекхиммаш» заводи партия ташкилотлари бу соҳада маълум ишларни бажармоқдалар. Лекин бошқа корхоналарда прогулларни қисқартириш, интизомни мустаҳкамлаш юзасидан кўрилаётган тадбирлар кутилган натижани бермаяпти.

Конференцияда КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари асосида идеологик ва оммавий-сиёсий ишларни янада яхшилаш юзасидан кўрилаётган тадбирлар ҳам атрофлича таҳлил қилинди. Ҳисобот даврида КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини тарғиб қилишда тажрибада синалган формалардан самарали фойдаланилди. Коммунистлар ва партиясиз активлар ўртасида марксча-ленинча назарияни кенг тарғиб қилиш, меҳнаткашларда илмий дунёқарашни шакллантириш, коммунизм учун эътиқодли курашчиларни тарбиялаш партия ташкилотларининг диққат марказида турди. Ҳозирги кунда 31 мингга яқин киши марксча-ленинча таълимнинг турли формаларига жалб этилган. Уларга сабоқ бераётган пропагандистларнинг сифат составн яхшиланган. 922 пропагандистдан 811 киши коммунистдир. Уларнинг 23 проценти ўн йилдан кўпроқ пропагандистлик тажрибасига эгадир. Пропагандистларнинг 78 проценти шахсий ижодий план асосида иш олиб бормоқда. Шаҳарда «Пропагандист — беш йилликка» деган шиор баланд кўтарилган. Шу шиор остида 14 мингта шахсий ва коллектив мажбуриятлар ишлаб чиқилди.

Нотиқлар таъкидлаганидек, ҳали бу соҳада ҳам кўпгина нуқсонлар учраб турипти. Иқтисодий ўқувни ташкил этишда ва машғулотлар сифатини оширишда ҳали пропагандистлар кўп иш қилишлари керак. Кўпгина мактабларда тингловчилар давомати паст, «Билим» жамияти бошланғич ташкилотлари эса лекциялар ўқишга олимлар, мутахассисларни кам жалб этмоқда.

Ҳар бир участкада партиявий таъсирни кучайтириш шу куннинг талабидир. Бошланғич партия ташкилотлари қаерда жанговар бўлса, коммунистлар актив кураш олиб борса ўша ерда хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги ишларни бажариш енгил кўчади. Йил охиригача ва беш йилликнинг қолган даври мобайнида шаҳар меҳнаткашлари катта ҳажмдаги ишларни бажаришлари керак. Энг аввало йилига 450 минг тонна аммиак ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган участкани, «Чирчиксельмаш» заводида культиваторлар ишлаб чиқарувчи цехни фойдаланишга топшириш лозим.

Беш йиллик охирига бориб, шаҳарда ишлаб чиқариш ҳажмини салкам 140 процент кенгайтириш, меҳнат унумдорлигини 130 процент ошириш зарур. Сифат белгисини олган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш мўлжалланган.

Конференцияда шаҳар партия ташкилоти ревизия комиссияси раиси А. А. Подоспеевнинг доклади ҳам тингланди.

Конференцияда Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев нутқ сўзлади.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ хўжалиги машинасозлиги бўлими мудири С. А. Асриянц иштирок этди.

Конференцияда муҳокама қилинган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилинди, шаҳар партия комитети, шаҳар партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари, Тошкент область XXI партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Чирчиқ шаҳар партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленумда **П. А. Юсупов** — шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, **Ю. Н. Беланов**— шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари, **Н. К. Савченко**—шаҳар партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

**Ж. НОСИРОВ.**

# ТАШАББУСЛАР КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЙСИН

## ЯНГИЙЎЛ

Шаҳар саноат корхоналари коллективлари 30 ноябрда ўн биринчи беш йилликнинг уч йили планини ортиғи билан адо этдилар. Ҳисобот даврида ишлаб чиқариш ҳажми 7 процентга ўсди. Пландан ташқари 6 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Ялпи ўсишнинг 90 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига бўлди. Давлат сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот пландаги 26 ўрнига 29 процентни ташкил этмоқда.

Шубҳасиз, бундай муваффақиятларга социалистик мусобақани оммалаштириш, илғор тажрибаларни кенг ёйиш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга тезкорлик билан жорий этиш туфайли эришилмоқда. Кейинги йилларда бир қатор корхоналарнинг қувватлари оширилди. Жумладан, мебель фабрикасида, «Лаззат» бирлашмасида, ун ва металлпластмасс заводларида янги қувватлар, шаҳар бўйича эса 285 янги ускуналар, автомат ва ярим автомат линиялар ишга туширилди. Маҳсулот сифатини бошқариш системаси кўп жойларда жорий этилди. Кенг халқ истеъмоли молларининг учдан икки қисми янгиланди.

Янгийўлликлар республика социалистик мусобақасида актив иштирок этиб, 8 йилдирки, кетма-кет Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлмоқда.

Маълумки, янгийўлликлар ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида қолоқларсиз ишлаш ташаббусини бошлаб берган эдилар. Бу шиор ҳамон саноат корхоналарида, турли ташкилотларда ўз аҳамиятини йўқотмади, мазмунан эса бойиб бормоқда.

Сўнгги уч йил ичида 38 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. 27 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди, 42 минг квадрат метр турар-жой, мактаб, мактабгача тарбия муассасалари, соғлиқни сақлаш ва чорвачилик объектлари қуриб фойдаланишга топширилди. Бу давр ичида пландан ташқари 250 минг тоннадан кўпроқ халқ хўжалик юклари манзилларига етказиб берилди. Шаҳар хўжалигининг турли соҳалари ривожланди.

Шаҳар партия комитети КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, ёрдамчи хўжаликларни кўпайтиришга эътиборни кучайтиряпти. Йилдан йилга кўплаб чорва маҳсулотлари етиштириб, аҳолига сотилмоқда. Ўн биринчи беш йилликнинг охирига бориб, шаҳарда ҳар бир ишловчи ҳисобига ёрдамчи хўжаликларда 35—40 килограммдан гўшт етиштирилиши кўзда тутилмоқда.

Конференцияда ҳисобот доклади қилган шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. И. Рибалко КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми қарорлари асосида барча участкаларда идеология ишини янада кучайтириш борасида олиб борилаётган ишлар устида ҳам батафсил тўхталди.

— Партия ўқуви системасида, — деб давом этди у,— ҳозир 15 минг киши шуғулланмоқда. Коммунистлар ва партиясиз активлар ўзларининг назарий билимларини мустаҳкамламоқдалар. Бу эса хўжалик масалаларини муваффақиятли ҳал этишга ёрдам бермоқда. Партия маорифи ва иқтисодий таълим системасида ўқиётган кишиларнинг 80 проценти коммунистик меҳнат зарбдорларидир. Улардан мингдан кўпроқ киши сиёсий ахборотчи ва лекторлардир.

Шуни таъкидлаб айтиш керакки, шаҳарда ҳозир 3 минг нафардан кўп пропагандист, лектор, агитатор, сиёсий ахборотчи идеология фронтида қизғин фаолият кўрсатмоқда.

Ҳисобот даврида шаҳар партия комитетининг иш услуби ва методи янада такомиллашди. Бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлиги ошди. Иқтисодий ва социал ривожланишга партия раҳбарлиги янада яхшиланди.

Ҳозир шаҳар партия ташкилоти ҳисобида 2600 коммунист бор. Улар 81 бошланғич партия ташкилоти, 92 цех ва 65 партия группасига бирлашган. Коммунистларнинг 75 проценти бевосита моддий ишлаб чиқаришда иштирок этмоқда. Ҳисобот даврида шаҳар партия ташкилоти сафига 500 коммунист қабул қилинди. Янги қабул қилинганларнинг 74 проценти ишчилардир. Шаҳар партия ташкилоти ҳисобидаги КПСС аъзолари ва партия аъзолигига кандидатларнинг 85 проценти доимий партия топшириқларига эга.

Доклад юзасидан музокарага чиққан ёғ-мой комбинати директори А. Ҳамзаев, пойабзал фабрикасининг ишчиси КПСС XXVI съездининг делегати О. Икматова, 107-автокорхона директори И. Башков, 109-кўчма механизациялашган колонна ишлаб чиқариш техника бўлимининг бошлиғи Н. Солиева, мебель фабрикаси партия ташкилотининг секретари И. Раҳимов, нон заводининг ишчиси К. Хўжаева ва бошқа ўртоқлар эришилган муваффақиятларни таъкидлаган ҳолда камчиликларни кескин танқид қилдилар. Қимматли фикр ва мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

Айрим саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари план ва топшириқларни доимо ҳам бажараяптилар деб бўлмайди. Масалан, ёғ-мой комбинати, қишлоқ хўжалик деталлари корхонаси, 8-ғишт заводлари бошқармаси топшириқларини бажара олмаяптилар. Айрим корхоналар шартнома мажбуриятларга амал қилмаяптилар. Ёғ-мой комбинатида ишлаб чиқаришни янги техника билан қуроллантириш даражаси анча паст. Биохимия заводида ҳам ана шундай камчиликлар бор. Бир қатор корхоналарда ҳамон кўп жараёнлар қўл кучи билан бажарилмоқда.

Капитал қурилиш, транспорт, алоқа соҳасида ҳам бир қатор камчиликлар бор. Бу корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқаришга партиявий раҳбарлик талаб даражасида бўлмаяпти. Қатор қурилиш бошқармалари ишлаб чиқариш унумдорлиги бўйича топшириқларни бажара олмаяптилар. Объектлар белгиланган муддатларда топширилмаяпти. Қурилиш-монтаж ишларининг сифати паст. Баъзи транспорт ташкилотлари халқ хўжалик юкларини белгиланган вақтларда манзилларига етказиб беришмаяпти.

Савдо, умумий овқатланиш, маиший ва коммунал хизмат корхоналарида юз бераётган айрим камчиликлар аҳолининг жиддий эътирозларига сабаб бўлмоқда. Бу жойларда партия ташкилотлари коммунистларнинг ишлаб чиқаришда ва жамоат ишларида авангардлигини ошириш юзасидан зарур даражада иш олиб бормайдилар. Масъулиятли участкаларда ишлаётган коммунистларнинг ҳисоботлари камдан-кам эшитилади.

Конференцияда юз бераётган камчиликлар рўй-рост танқид қилинди ва уларни бартараф этишга ёрдамлашувчи таклифлар киритилди.

Конференцияда область касаба союзлари Советининг раиси А. В. Браилов нутқ сўзлади.

Конференцияда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди, район партия комитети, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари ва Тошкент область партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Янгийўл шаҳар партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленумда **В. И. Рибалко**—шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, **А. С. Раззоқов**—шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари, **М. Нуритдинова** — шаҳар партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

**Б. ПУЛАТОВ.**

